

«XB FINANSE-KONSULTING»

АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

«Хўжайли пахта тозалаш заводи» АЖининг 2018 йил якуни бўйича тузилган
молиявий хисоботиغا ижобий фикр билдирилган

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«Хўжайли пахта тозалаш заводи» АЖ раҳбариятига

Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот:

ООО «XB FINANSE KONSULTING»

Ўзбекистон Республикаси. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Госпитал кўчаси 11/2. Телефон: 97-376-44-41, Факс: +998 71 2523704. Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 11.05.2005 йилда № 01018 рўйхатдан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 15.05.2008 йилда берилган «Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторли ктекшириуви»ни ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга оширишга рухсат берувчи-серия АФ № 00676 Лицензияга эга.

Хисоб рақами: 20208000604408712001 ЧЗАКБ «DAVR-BANK» Чиланзар бўлими, МФО-01046, СТИР 205666530, ХХТУТ 69202.
email: «XBFINANSEKONSULTING»@mail.ru

Аудиторлик ташкилоти директори: М.С.Рузимов, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2017 йил 22 декабр куни берилган № 05540-сонли «Аудитор малака сертификати»

Аудиторлик текшируви ўтказиляётган корхона тўғрисида маълумот:

«Хўжайли пахта тозалаш заводи» АЖ

Қорақалпоғистон Республикаси, 231300. Хўжайли тумани, «Сарышунгул» ОФЙ.
Телефон: Факс 0-361-554-24-88.

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома: Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани Хокимлиги ҳузуридаги «Ягона дарча» маркази томонидан 25.07.2016 куни 3103-сон сон билан реестрдан ўтказилиб №2120 сонли тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган ва гувоҳнома олаган

Хисоб рақами Х/р 20210 000 500 508 870 001 АТ «AGROBANK», Қ.Р. Хўжайли филиали, МФО: 00602. СТИР: 200394430, ХХТУТ: 17111.

Жамият бошқаруви раиси: Адилбек Заримбетов.

Асосий фаолият тури: қишлоқ хўжалик жамиятларидан пахта ҳом ашёсини қабул қилиш ва қайта ишлаб пахта толаси, техник чигит, уруғлик чигит ва иккиламчи материаллар олиш

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «XB FINANSE KONSULTING» аудиторлик ташкилотининг аудитори М.С.Рузимов, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан 22.12.2017 йилда берилган № 05540 сонли «Аудитор малака

сертификати», аудиторлик ташкилоти билан «**Хўжайли пахта тозалаш заводи**» АЖ ўртасида 27.07.2018 йилда тузилган 95/06-19 сонли шартномага асосан «**Хўжайли пахта тозалаш заводи**» АЖнинг 01.01.2018 йилдан 31.12.2018 йилгача бўлган даври учун тузилган ва раҳбарият томонидан 14.03.2019 йилда тасдиқланган «Корхона баланси» – форма № 1, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» – форма № 2, «Пул оқимлари тўғрисидаги Ҳисобот» - 4-шакл, «Ўз сармояси тўғрисидаги Ҳисобот» - 5-шаклларида иборат молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ваҳ аққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «**Хўжайли пахта тозалаш заводи**» АЖнинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдани борат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамаизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «**Хўжайли пахта тозалаш заводи**» АЖнинг 2018 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Хулосатузилган сана:

«27» апрел 2019 йил.

МЧЖ шаклидаги «XB FINANSE KONSULTING»
Аудиторлик ташкилоти директори:



М.С.Рузимов.